ШАРҚ ВА ҒАРБ МУТАФАККИРЛАРИ СИЁСИЙ МУНОСАБАТЛАР ВА ИНСТИТУТЛАРНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

М.П.Юнусова

В статье в историческом аспекте рассмотрены взгляды восточных и западных мыслителей, которые касаются вопроса либерализации политических отношений и институтов,.

In this article the views of east and wester ideologist's liberalizations the historical aspect by concerning to the question of the political attitudes and institutes are considered.

Ўзбекистонда сиёсий соҳани эркинлаштириш муаммолари илк бор Президент И.А.Каримовнинг биринчи чақириқ Олий Мажлиснинг XIУ сессиясидаги (1999 йил апрель) маърузасида назарий ва дастурий жиҳатдан асослаб берилди. Бу стратегик ва концептуал мақсадлар Президент И.А.Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг I ва X сессияларидаги (2000 йил январь ва 2002 йил декабрь) маърузаларида янада ривожлантирилди ва мамлакатда амалга оширилаётган сиёсий ислоҳотларнинг асосий йўналиши сифатида эътироф этилди.

Сиёсий соҳадаги биринчи муҳим масала "мамлакатимиз сиёсий ҳаётининг барча соҳаларини, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш"дир [1;332], деб кўрсатилди. Шу асосда "Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари" сиёсий дастури қабул қилиниб, унинг асосий йўналишлари ҳозирги даврда мамлакатда ўтказилаётган ислоҳотларда ўз ифодасини топмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда, эркинлаштириш феноменининг моҳиятини таҳлил қилиш, унинг манбаларини ўрганиш ва улардан мамлакатимиздаги ислоҳотлар шароитида самарали фойдаланишга доир хулоса ва таклифлар киритиш сиёсий фанларнинг муҳим вазифасига айланди.

Айрим консерватив қарашлар тарафдорлари бўлган сиёсатшунос олимлар ичида ҳали ҳам "либерализм" тушунчаси назарий жиҳатдан маъносиз, деган фикрлар ҳукм суриб келмоқда. Ўз ўрнида шуни айтиб ўтиш жоизки, сиёсий тафаккур оламида бундай консерватив қарашларнинг яшашга тўла ҳаққи бор. Зеро, консерватизм ҳам ўз моҳиятига кўра сезиларли ижобий жиҳатларга эга. Либерализм барча давлатларда ҳам тараққиёт ва замон талабларига бирваракай жавоб бера олмаганлиги учун ҳам, балки, консерваторлар эътирозига сабаб бўлаётгандир. Айниқса, ҳозирги глобаллашган дунёда ашаддий либерализмнинг танқидчиларини ҳатто либерал мафкура тарафдолари орасида ҳам учратиш мумкин. Аслини олганда, 1811 йилда Испанияда бир гуруҳ сиёсатчи ва зиёлилар ўз конституцияларини "либерал" деб аташгандан сўнг ("либерал" сўзи шу тариқа биринчи марта ишлатилган) унинг маъноси бир неча бор турлича талқин қилинди. Лекин шу нарса аниқки, либерализм айнан 1811 йилда пайдо бўлмаган. *Дунё тараққиётининг ғоявий ва амалий йўналиши сифатида у бир неча минг йиллик тарихга эгадир.* Либерализмнинг бошланиши (бошқа мафкуралар каби) инсоният ижтимоий ҳаётининг бошланишига бориб тақалади.

Демак, либерализм мафкурасининг манбалари инсоният тарихининг бир неча минг йиллик тажрибалари ва ижтимоий сиёсий онг ривожининг анъаналаридан озиқланади. Либерализм унсурлари, айниқса, сиёсий муносабатлар ва институтларни эркинлаштириш ғоялари Шарқ мутафаккирлари ижодида илк бор тадқиқ этилган эди, десак, хато бўлмайди. Кейинчалик бу ғояларни ўрта асрларда Европа олимлари кенг ўрганиб ўз ижодларига татбиқ этдилар.

Шарқ илк ўрта асрининг буюк мутафаккири, ўз давридаги илғор фалсафий, ижтимоий-сиёсий фанларнинг асосий тамойилларини тадқиқ этган Абу Наср Фаробий (873 - 950) ижоди фикримизга далил бўла олади.

Абу Наср Фаробий ўз замонаси илмларининг барча соҳаларини мукаммал эгаллаганлиги ва бу илмлар ривожига катта ҳисса қўшганлиги туфайли Шарқ мамлакатларида "Ал-Муаллим ас-соний" (Иккинчи муаллим, Аристотелдан кейин), "Шарқ Арастуси" деб улуғланган[2;32-33]. Айтиш мумкинки, бу ҳолат сиёсий назариялар соҳасига ҳам тегишлидир.

Зеро, Фаробий ўрта асрлар шароитида биринчи бўлиб сиёсий институт бўлган фозил шаҳар (полис) ва жамиятнинг келиб чиқиши, мақсад ва вазифалари ҳақидаги изчил таълимот яратди. Бу таълимотда ижтимоий ҳаётнинг кўп масалалари – давлат, давлатни бошқариш, сиёсий муносабатлар, ахлоқ, маърифат, диний эътиқод, уруш ва тинчлик, меҳнат ва бозор масалалари қамраб олинган.

Абу Наср Фаробий “Фозил шаҳар одамлари қарашлари”, “Фуқаролик сиёсати”, “Бахт-саодатга эришув йўллари ҳақида рисола” асарларида ижтимоий-сиёсий ҳаёт қонун ва эркинликка таяниши зарур деган илғор ғояни илгари сурган.

Фаробий комил фуқаролик жамиятида илоҳийлик билан фуқароликни мослаштириш, кишилик жамияти фаолияти қонуниятини борлиқ қонуниятидан қидириш тўрисидаги фикрларини равон тилда баён қилади. Комил жамиятнинг қисмлари (яъни, институтлари) бир-бирлари билан ўзаро боғлиқ ва ўзаро мослашган бўлади, у фазовий қандайдир дастлабки бошланиш бўлиб, унинг орқасидан бошқалари давом этадилар. Мутафаккир буни исботлаш учун халқ ёки шаҳар-давлатни мисол қилиб олади, халқ ва шаҳар-давлат орқасидан аҳоли эргашади. Комил жамият, Фаробийнинг фикрича, ердаги ҳаётнинг ижтимоий зинапояси бўлиб, фазо сингари яшайди, шаҳар-давлатнинг адолатли ҳокими барча фуқаролар учун мақсаддир ва у фуқароларга ўрнак бўлиши лозим. Кўриниб турибдики, Фаробий шу маънода ҳуқуқий фуқаролик жамияти тарафдоридир.

Фаробий шахсий бахт ва унга эришиш ҳақида ҳам фикр юритади. У инсон бундай бахтга эга бўлиши учун ижтимоий тузумни ташкил этишни такомиллаштириш лозим, деб ўргатади. Кишининг олий мақсади – бу бахтга эришиш, бунинг учун умумий муҳит сифатида комил жамият бўлиши керак.

Бу фикр ҳақиқатан ҳам тўғри, чунки давлатнинг вазифаси кишиларга бундай шароитни яратиб беришдан иборатдир. Албатта, фуқароларнинг биргаликда куч сарфлаши ва ҳаракат қилиши натижасида бахтга эришиш мумкин. Фаробийнинг фикрига кўра, ҳоким шаҳар-давлатни бошқаришда унинг қисмлари ўртасидаги ўзаро алоқаларни ва ўзаро келишувни таъминлайдиган шундай тартибни жорий қилиши керакки, бу тартиб аҳолининг бир-бирига нисбатан қабиҳлигини тугатишда ёрдам бериши лозим. “Ташқаридан бошқаришга муҳтож бўлмаган кишигина давлат бошлиғидир, унга ҳеч ким бошчилик қилиши керак эмас, шаҳар давлатдаги фан ва билим бошқа кишининг ташқаридан ёрдамисиз вужудга келган. Раҳбар ўз ҳаракатларини жуда яхши аниқлашга ва кишиларнинг бахтини қўлга киритишга қодирдир” – деб ёзади Фаробий[3;123].

Абу Наср Фаробий жамият, давлат ва ҳуқуқ масалаларини комплекс ўрганар экан, “Фозил шаҳар одамлари қарашлари” асарида жамият сиёсий ҳаётида давлат томонидан олиб бориладиган ишларга алоҳида эътибор беради. Унинг фикрига кўра, давлат бошлиғи ва давлат хизматчилари бошқарув санъатини яхши эгаллаган бўлишлари керак. Фаробий илғор бошқарув санъати кишиларни бахтга, тинчликка олиб боради, бундай давлатда бошқарув адолатли бўлади, аксинча, бахтсизликка, уруш ва қирғинликка олиб борадиган бошқарув адолатсизликдир, деб ҳисоблайди.

Бошқарув (идора) санъати икки қисмдан иборат бўлади: назарий ва амалий. Назарий қисми – бу бошқарувнинг асосий усул ва қонунлари ҳақидаги билимдир. У бошқарув муассасаси бўлмиш давлат инсонларнинг ихтиёрий бирлиги бўлган жамият ҳаётини эркинлик қоидаси асосида бошқариши зарурлигини асослашга хизмат қилмоғи керак. Амалий қисми – бу давлатни идора қилишдир. Мутафаккир фикирча, уларнинг ҳар иккисига ҳам амалиёт, тажриба ва кузатув натижасида эришилади.

Фаробийнинг фикрига кўра, сиёсий фаолиятнинг асосий вазифаси давлатдаги ҳақиқий меъёрлар ва қоидаларни ўрганишдан иборат бўлиб, у фуқароларнинг турмуш даражасини, тинчлигини таъминлаш ва ривожлантириш йўлларини, шакл ва усулларини кўрсатиб бериши керак. Давлатнинг вазифаси эса шаҳар аҳолисининг бахтли ҳаётини таъминлаш ва қўриқлашдан иборат. Ана шу тинчлик, фаровонлик ва ҳамма учун мақбул бўлган меъёрлар кенг маънода *ижтимоий эркинлик* манбаи бўлиб хизмат қилади. Фаробийнинг “Фозил шаҳар одамлари қарашлари” асарида баён этилган қуйидаги фикрлар бизнинг хулосамизга асос бўла олади: “ҳар бир инсон ўз табиати билан шундай туғилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, унинг бир ўзи бундай нарсаларни

қўлга кирита олмайди, уларга эгалик қилиш учун кишилик жамоасига эҳтиёж туғилади... Шу сабабли яшаш учун зарур бўлган, кишиларни бир-бирларига етказиб берувчи ва ўзаро ёрдамлашувчи кўп кишиларнинг бирлашуви орқалигина одам ўз табиати бўйича интилган етукликка эришуви мумкин. Бундай жамоа аъзоларининг фаолияти бир бутун ҳолда уларнинг ҳар бирига яшаш ва етукликка эришмоқ учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради. Шунинг учун инсон кўпайди ва ернинг аҳоли яшайдиган қисмига ўрнашдилар, натижада инсон жамоаси вужудга келди" [4;186].

Фаробийнинг фикрича, одамларнинг энг такомиллашган жамоаси – бу (полис) шаҳар-давлатдир. Шаҳар-давлатнинг аҳолиси бирликда, иттифоқда яшаб, бир–бирларига ёрдам кўрсатсалар, бундай шаҳар-давлатлар фазилатлидир. У фазилатли шаҳар-давлат маҳкамаларини (сиёсий институларни) инсон танаси аъзоларига ўхшатади. Инсон тана аъзоларининг бири иккинчисига ёрдам берганидек, давлат маҳкамалари тузилмалари ҳам ўзаро бир-бирларига ёрдам беришлари керак. Кишилар ўзаро бир-бирларига ёрдам беришиб, тинч-тотув яшасалар, мақсадга мувофиқ бўлади, зеро шу асосда жамиятда ҳар бир шахс эркинлиги ҳамда умумий осойишталик ҳукм суради.

Фаробий шу тариқа давлатнинг асосий вазифаси ҳақида фикр юритади, унинг ички ва ташқи вазифаларини қиёслайди. Давлатнинг ички вазифаси фуқароларнинг бахтли ҳаётини таъминлаш бўлса, ташқи вазифаси ўз аҳолисини ташқи душмандан муҳофаза қилиш деб ҳисоблайди. Давлатнинг эса етук шахс (монарх), етук хислатларга эга бўлган бир неча шахслар (аристократия) ва сайланган шахслар (демократия) томонидан бошқариш шаклларини қайд этади[4;175].

Шарқ оламининг яна бир мутафаккири Абу Али Ҳасан ибн Али Тусий – Низомулкмулк (1018–1092) ўзининг давлат арбоби сифатидаги фаолияти, шунингдек, давлат бошқарувининг сиёсий жиҳатларига доир қимматли асарлари билан машҳурдир. У ўзининг "Сиёсатнома" асарида сиёсий институларни халқчиллаштириш, сиёсий муносабатларда адолат, инсонийлик ва эркинлик қадриятларига таяниш ғояларини илгари сурди[5;6].

Низомулмулкнинг асарида кўрсатилишича, подшо адолат ўрнатишда собитқадам бўлиши керак, камбағал ва бева-бечораларга ёрдам бериш, муҳтожларга давлат хазинасидан нафақалар ажратиш, хайр–эҳсон ҳаракатини қўллаб–қувватлаши лозим. Шунингдек, у мансабдорлар фуқароларнинг ҳуқуқларини сақлашлари ва уларни ҳурмат этишлари жоизлигини айтади. Подшоҳ ва ҳокимлар мансабдорларни ҳалол ва тўғри сўз, илмли одамлардан тайинлаши, шунингдек, уларга имкониятлари доирасидаги вазифаларнигина топшириши, мансабдорларда итоат этиш ва берилган вазифаларни ижро этиш қадриятлари шаклланган бўлишини талаб этишни бот–бот маслаҳат беради. Низомулмулк шоҳ ва унинг мансабдорлари амалий ҳаёт тажрибасини орттирган, жаҳонгашта ва мўътабар оқсоқоллар маслаҳати билан халқни бошқариши лозимлигини таъкидлайди. Шунингдек, Низомулмулкнинг фикрича, давлатнинг марказий ҳукумати кучли бўлиши лозим. Ана шунда мамлакатда тинчлик ва адолатни барқарорлаштириш, эркин ва фаровон ҳаётни таъминлаш имконияти бўлади[5;7-8].

Низомулмулкнинг кўрсатишича, мансабдорлардан зулм ва адолатсизлик кўрган ҳар бир фуқаро ҳокимдан то вазир ва шахсан шоҳга шикоят билан тўғридан-тўғри арз қилиш имкониятига эга бўлиши лозим: "Подшоҳ ҳафтада икки кун зулм кўрганларни қабул қилиб, золимларнинг додини бериб жазолаб ва раият сўзларини бевосита эшитиб бориши керак. Агарда худованд подшоҳ додхоҳларни олдига чақириб, ҳафтада икки маротаба уларнинг сўзларини эшитади ва золимларнинг жазосини беради, деган хабар мамлакатда тарқалса, унда ситам қилувчилар оқибатини ўйлаб, қўрқиб бедодлик қилмайдилар". Низомулмулк давом этиб шундай деб ёзади: "Олдин ўтган кишиларнинг китобларидан шуни ўқиб билдимки, ажам шоҳлари бир дўкон ясаб, уни отга юклаб саҳрога олиб борарканлар, токи ўша жойда йиғилган мазлумларни кўриб, ҳар бирининг арзини эшитиб олиш мумкин бўлсин. Бунинг сабаби шу эдики, агарда подшоҳ бирор жойда ўтириб қолса, у ерда даҳлиз, эшик ва парда пайдо бўлади. Ғаразли кишилар ва ситамгарлар шундан фойдаланиб, зулм чекаётганларни подшоҳ олдига қўймайдилар".

Давлат сиёсатини юритишда ва мамлакатни идора этишда подшо саройи мансабдорлари, ҳокимлар, қозилар ва бошқа маҳкамалар амалдорларининг (сиёсий институтларнинг) ўрни ниҳоятда муҳимлигини эътироф этган Низомулмулк уларни адолат ва ҳалол йўл билан ишга олиш, уларнинг ҳар бирига имкониятларидан келиб чиқиб вазифалар ва ваколатлар беришни кўрсатиб ўтган эди[5;6-7,11-12].

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, мутафаккир оддий инсон, фуқаролар ва умуман халқ билан подшоҳ, давлат раҳбари ўртасида очиқ муносабатларнинг бўлиши уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг кафолати деб билган. Бундай қараш бугунги кундаги демократик тамойилларга ҳам мос келади.

Сиёсий муносабатларни халқчиллаштириш ва уни адолат тамойиллари асосида ташкил этиш ғоялари билан машҳур бўлган Шарқ мутафаккирларидан яна бири – Алишер Навоийнинг замондоши ва маслакдоши Ҳусайн Воиз Кошифийдир (1440–1505). У подшо Ҳусайн Бойқаронинг воизи ва маслаҳатчиси эди. Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Аҳлоқи Муҳсиний”, “Китоби Ҳотамнома” ва “Анвори Суҳайлий” номлари билан машҳур асарларида ижтимоий-сиёсий муносабатлар, жамият ва давлатни бошқаришда сиёсатнинг ўрни масалалари тадқиқ этилган. Унинг қуйидаги фикрлари ҳозирги даврда ҳам аҳамиятлидир: “Адл сиёсатсиз мавжуд бўлмас. Сиёсат йўқ бўлса, сардорлик заиф бўлур. На учунким мулки миллат зийнати, дину давлат мусаллаҳи сиёсатдур” [6; 19].

Кошифий сиёсий ва инсоний муносабатларда адолат тамойилларига амал қилишни шарт қилиб қўяди: “Адолатнинг маъниси руҳият ҳақида баробарлик кўзламак бўлурким, то раоё йўл тобмаган адл айбидурким, мулкка оройиш берур ва шуойидурким анинг нури бирла қаронғулуқ ёрур ва Ҳақ субҳанаху таоло бандаларини адл сифатига буюрур. Адл натижаси мулк боқию мамлакат васиғ ва ҳазона маъмур, кентлару шаҳарлар обод бўлмоқдур. Ва зулм самараси мамлакат завол топбоғи эрур” [6; 53].

Сиёсий муносабатлар, шунингдек, давлат ва унинг маҳкамаларини (институтлари) халқчиллаштириш, улар фаолиятида адолат тамойилларига амал қилишга доир улкан илмий мерос Бурхониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя”, Соҳибқирон Амир Темурнинг “Темур тузуклари”, Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий” ва “Ҳайрат ул–аброр” каби машҳур асарларида ҳам қолдирилган.

Албатта, Шарқнинг бошқа мутафаккирлари ижоди мисолида фикримизни яна давом эттириш мумкин, аммо мақола ҳажми нуқтаи назаридан шуни умумий хулоса сифатида таъкидлаш жоизки, шарқ алломалари эркинлик тушунчасига кенг мазмун берганлар. Бунда эркинлик фақатгина айрим олинган шахснинг қадрияти эмас, балки умум фаровонлик, ижтимоий уйғунлик, юрт осойишталиги, жамиятдаги адолат сифатида талқин этилган. Бундан фарқли ўлароқ, янги даврга келиб Ғарб мамлакатларида эркинлик ғоялари кўпроқ индивид, якка шахс қадрияти сифатида талқин этила бошланди, чунки бу инсонни олий қадрият деб билгувчи Уйғониш даври қарашларининг давоми эди.

Европада илк бор либерализм унсурларини тадқиқ этган машҳур инглиз файласуфи Томас Гоббс (1588–1679) қарашлари Англиядаги капитализм тараққиёти билан чамбарчас боғланган бўлса-да, у тараққиёт абсолют монархия доирасида, унга қарши революция қилмасдан ҳам амалга ошиши мумкин деб ҳисоблаган. “Бу асаримни дунё қандай қабул қилишини билмайман, – деб ёзади Гоббс ўзининг “Левиафан” асарида, – чунки бири ҳаддан ташқари кўп эркинлик учун, иккинчиси ҳокимиятнинг ҳаддан ташқари кенг ваколатлари учун курашаётган иккита армия қуршаб турган йўлни эсон-омон оралаб ўтиш қийин” [7;318-331].

Гоббс давлат ҳокимияти ҳамма истаган тинчликни таъминлай олди, деб ҳисоблайди, чунки бунинг учун кишилар ўз тўлақонли эркинлигининг бир қисмидан воз кечдилар, аниқроғи, уни давлат ихтиёрига бердилар. Давлат ҳамманики саналган нарсаларни хусусий мулк қилиб тақсимлаб берди. “Меники ва сеники”нинг ўрнатилиши, – деб таъкидлайди Гоббс, – кишиларнинг яшаши учун табиат берган нарсаларни тақсимлашдир, бу тақсимлаш идоранинг ҳамма шаклларидаги олий ҳокимиятнинг ишидир. Сабаби, мулкчилик давлат билан бир вақтда бунёд бўлгандир. Суверен ҳар бир кишининг ҳиссасини аниқлаб, ерни бўлиб берди; ерни бўлганида адолат ва умум бахтига мувофиқ тарзда адолатли бўлишини назарда тутди[7;318-331]. Шундай қилиб, Гоббс таълимотига кўра, хусусий мулк кишиларнинг табиий

ҳуқуқларига хилоф равишда фуқаролик қонуни томонидан ўрнатилгандир ва кишилик учун ғоят катта бахтдир. Айнан шу нарса кишиларга хусусий мулк асосига қўйилган эркинликни таъминлаб беради.

Бошқа бир ғарб мутафаккири Гаррингтон XVII аср 50-йилларининг иккинчи ярмида, инглиз ҳукмрон доиралари орасида монархияни тиклаш ҳаракати бошланган пайтда майдонга чиқди. Унинг "Океания республикаси" номли сиёсий романида Англиянинг республика конституцияси тамойиллари баён қилинган эди. Бу конституция Англияда кўпдан буён орзу қилинган осойишталик ва тартибни ўрнатиши керак эди. 1656–1660 йиллардаги сиёсий курашда Гаррингтон республикачилар гуруҳига бошчилик қилди, кўплаб сиёсий памфлетлар ёзди. У ўзининг памфлетларида Англияда феодал монархияни тиклаш тараққиётга зид эканлигини исботлади ва шу тариқа ўз ғояларини тарғиб қилди.

Ўз ғояларини Бэкон ва Гоббс метафизикасидан олганлиги сабабли Гаррингтон давлат шаклларининг (монархия, аристократия, демократия) қонуншуносликка, мулкнинг зодагонлар ва халқ ўртасида бўлинишига боғлиқ эканлигини исбот қилди ва уни мулк мувозанати деб атади: "... миллат мулкининг мувозанати қандай бўлса, ҳокимият ҳам шундайдир" [8;30-45]. Тюдорлар даврида Англияда ер мулкининг қирол, зодагонлар ва черковдан табиий равишда джентри ва бадавлат йоменлар қўлига ўтиши мулкнинг "готик" балансини тугатди (Гаррингтон феодал монархия даврида ер мулкининг бўлинишини шундай деб атаган). Аслида эса, Гаррингтон фикрига кўра, республика "мулкнинг халқ мувозанати" давридагина барқарор яшай олади.

Умумий маънода Гаррингтон қарашлари инқилоб натижасида қўлга киритган ютуқларини ўз қўлида сақлаб қолишни истаган, буржуа-аристократик республиканинг таянчи бўлган ўрта қатламлар манфаатларини ифода қиларди. Лекин Англияда 1688 йилдан кейин ҳокимият тепасига келган вигилар Гоббс ва Гаррингтоннинг сиёсий қарашларини қабул қила олмас эдилар. Бу даврда вигилар манфаатларини Жон Локк (1632-1709) ифодалай бошлади. У 1989 йилда "Ҳукумат тўғрисида икки трактат" асарини нашр қилди. Янги буржуазия манфаатларининг ҳамма шаклларини ўзида акс эттирган Локк 1688 йилги синфий муросасизликнинг фарзанди бўлиб, аслида, у буржуазиянинг мулк эгалигига ва ҳокимиятга бўлган қарашларини шакллантиришга уринади. У: "Худо инсониятга умумий мулк қилиб берган нарсаларни кишилар қандай қилиб ўзларига мулк қилишга эришганини, шу билан бирга, барча жамият аъзолари ўзаро бир-бирлари билан келишмасдан мулкни қайта бўлишга ҳаракат қилганини кўрсатаман", - деб ёзган эди [9;317-337].

Бу муаммони ҳал қилиш учун Локк хусусий мулк инсон меҳнатининг маҳсулидир, деган ғояга таяниб иш кўрди. Унинг фикрича, мулк эгалиги ҳокимиятнинг ёрдамисиз, унинг пайдо бўлишидан олдин, кишиларнинг табиий ҳолати давридаёқ меҳнат натижаси сифатида пайдо бўлган. Кишилар табиий ҳолатда тўла тенглик ва эркинликкагина эмас, нарсаларга, хусусий мулк ҳуқуқига ҳам эга бўлганлар, акс ҳолда, улар ўзларининг яшаши учун берилган нарсани ишлата олмаган бўлар эдилар. Кишилар истеъмол қилиш учун зарур бўлган ер ва маҳсулотларни фақат ўз меҳнатлари орқали табиатдан олишлари мумкин. "Ер ва барча маҳсулот бутун инсоният учун умумий бўлган ҳолда ҳам, - деб ёзган эди у, - ҳар бир кишининг шахсан хусусий мулки бор... Айтиш мумкинки, ўз танасининг меҳнати ва қўллари билан қилинган иш фақат унинг ўзиникидир... Меҳнат унинг шахсий нарсалари билан умумий нарсаларни бир-биридан ажратиб беради" [9;317-337].

Локк мулк эгалигининг ҳокимиятдан томомила мустақил равишда пайдо бўлганлигини исбот қила олди. У Англия учун энг яхши давлат шакли деб фуқаро мулкига аралашиш ҳуқуқидан маҳрум бўлган буржуа-конституцион монархияси орзусини майдонга ташлади. Локк кишилар ўзларининг табиий ҳуқуқларини (бу ҳуқуқларни у "мулк эгалиги" деб атади) тажовуздан ҳимоя қилиш учун шартнома асосида сиёсий жамиятга бирлашадилар, деб исбот қилишга уринди. Кишиларнинг давлатга бирлашиши ва ўзларини бошқарувга тобе қилишдан муддао хусусий мулкни сақлаш эди. Локк, шунингдек, кишиларнинг ўзаро ва давлат билан тузадиган шартномасини давлат учун асос қилиб қўяди. Локк концепциясига биноан, бу шартнома кишиларнинг дастлабки ҳуқуқларини, аввало, хусусий мулк эгалиги ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва кафолатлаш учун тузилади. Шунга асосан, "олий ҳокимият бирон-бир

кишидан унинг розилигисиз хусусий мулкини тортиб ололмайди. Бусиз кишилар тамоман мулкка эга бўла олмайдилар” [9;317-337]. Локк концепцияси феодализм устидан ғалаба қилган ўрта ижтимоий қатламлар билан дворянлар иттифоқининг манфаатларини ўзида ифода этган эди ва, умуман, илк либерализм ғалабаларини асослашга қаратилган эди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, Шарқ мутафаккирларининг илмий мероси, Ғарбдаги машҳур олимларнинг эркинлик тўғрисидаги қарашлари ҳозирги давр либерал ғояларнинг шаклланиши учун манба сифатида улкан аҳамиятга эга. Ўрта асрларда Шарқ ва Ғарб мутафаккирларининг сиёсий муносабатлар ва институтларни халқчиллаштириш, улар мазмунини эркинлик, адолат ва тараққиёт тамойиллари билан тўлдиришга доир қарашлари мумтоз либерализмнинг шаклланиши учун ижтимоий муҳит ва ғоявий шарт-шароитлар я ратди.

Адабиётлар:

1.Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз.Т.8.-Т.: Ўзбекистон, 2000
2. Буюк сиймолар, алломалар: (Ўрта Осиёлик машҳур мутафаккир ва донишмандалр). К.1. – Т.: Халқ мероси, 1995
3. Аль-Фараби Абу Наср. Гражданская политика. В кн. Социально-этнические трактаты.- Алма-Ата, 1973
4. Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шаҳри. Т.: Халқ мероси, 1993
5. Низомулмулк. Сиёсатнома. – Т.: Адолат, 1997
6. Маҳмудов Р. Дегонимни улусқа марғуб эт... –Т.: Ўзбекистон, 1992
7. Гоббс Т. Левиафан или материя, форма и власть государства церковного и гражданского.В кн. Антологоия мировой политической мысли. В 5 т. Т.1. Зарубежная политическая мысль: истоки и эволюция. – М.: Мысль, 1987.
8. Сапрыкин Ю.М. Борьба Гаррингтона и его группы за республику. В.сб. Средние века. В.9.- М., 1957
9. Локк Дж. Сочинения. 3 т. Т.3.- М., 1988

Андижон давлат университеть
2009 йил 3 майда кабул килинган